

Рабиул аввал оyi муборак!



18:44 / 15.09.2023 3512

Оламларнинг Роббиси Аллоҳ таолонинг ҳабиби, оламларга раҳмат қилиб юборилган, суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд ойлари барчамизга муборак бўлсин!

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишлари инсониятга ҳадея этилган Аллоҳ таолонинг энг буюк марҳаматларидан биридир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

«(Эй, Муҳаммад) Биз сени фақат оламларга раҳмат қилиб юбордик» (Анбиё сураси, 107-оят).

Шунинг учун Рабиул аввал оyi Аллоҳ таолонинг бу буюк неъматига салавотлар айтиш оyi ҳисобланади.

